



**15-16 APREL  
2022**

**TOSHKENT  
O'ZBEKISTON**



**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G'OYALAR  
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

**XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA**



**Tadqiqot.UZ**



**CONFERENCES.UZ**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM  
VAZIRLIGI  
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI  
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

**O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI**

**“TADQIQOT.UZ”  
XALQARO ILMIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:  
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH  
ISTIQBOLLARI**

**II  
XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA  
MATERIALLARI**

**TO‘PLAMI**

**Toshkent - 2023**

## **Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:**

II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

### **Tahrir kengashi:**

g.f.d., professor Hikmatov F.H.  
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.  
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

### **Kengash a'zolari:**

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.  
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.  
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.  
PhD, dotsent Prenov Sh.M.  
PhD, dotsent Raxmonov D.N.  
PhD, dotsent Raxmonov K.R.  
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

### **Mas'ul muharrir:**

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

---



## **ОСОБЕННОСТИ РАЗЛИЧНЫХ ВИДОВ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ТУРИЗМА И ПОТЕНЦИАЛ ИХ РАЗВИТИЯ В РЕСПУБЛИКЕ ТАДЖИКИСТАН**

**Собиров Мурод Собитджонович**

кандидат сельскохозяйственных наук, доцент кафедры экология и охраны  
природы ГОУ «Худжандский государственный университет имени академика  
Бободжона Гафурова»

**Дадобоев Музаффар Абдухоликович**

кандидат педагогических наук, доцент кафедры экология и охраны природы  
ГОУ «Худжандский государственный университет имени академика  
Бободжона Гафурова»

**Аннотация:** Рассмотрены особенности агротуризма, сельского туризма, экотуров в особо охраняемых территориях и другие виды экологического туризма в контексте анализа существующего уровня. Раскрываются степень влияния государственных программ, формирования базы сведений о различных видах экотуризма на темпы развития. Установлены взаимосвязь и отличительные особенности различных составляющих частей экологического туризма в природных условиях страны.

**Ключевые слова:** экотуризм, агротуризм, сельский туризм, особо охраняемые территории, экологическое воспитание, экологическое просвещение населения.

## **THE PARTICULAR QUALITIES OF ECOLOGICAL TOURISM AND THEIRPOTENTIAL DEVELOPMENT IN THE REPUBLIC OF TAJIKISTAN**

**Sobirov Murod**

**Dadoboev Muzaffar**

**Annotation:** The article deals with the particular qualities of agrotourism, rural tourism and ecotours in the specifically protected territories in the context of the analysis existing level.

**Key words:** ecotourism, agrotourism, rural tourism, specifically protected territories, ecological education, ecological enlightenment of the population.

Индустрия туризма является одним из важной составляющей частью устойчивого роста экономики многих стран мира. Вместе с тем, до сих пор совершенная система туризма во всех ее проявлениях не создана, что указывает на огромный потенциал развития. Следует отметить, что совершенствование индустрии туризма предполагает вложение значительных финансовых средств с последующей их окупаемостью и рентабельности.



Многие исследователи подчеркивают, что основное назначение туризма включает в себя восстановление психологической устойчивости активной части населения, что подразумевает создание необходимых инфраструктур туризма для удовлетворения морально-физических, физиологических и иных потребностей туристов. Огромную роль в этом направлении могут иметь рекреационные ресурсы местности. Считается, что горные регионы обладают значительными рекреационными ресурсами, которые жизненно необходимы для развития туризма. Туристско-рекреационная деятельность – это сложный, гетерогенный процесс, а ее развитие в горных условиях еще более усложняется в связи с большой уязвимости горных экосистем. Это объясняется высокой чувствительностью их биоты к давлению и нарушениям, которые производятся не только природными факторами, но и деятельностью других организмов, в особенности деятельности человека [1,с.86].

Наряду с этим, до сих пор методы исследования туризма и туристических процессов в странах Запада и постсоветских стран сильно отличаются. Отличительной особенностью между этими научными школами является преимущественно экологический подход в западных странах, и экономико-экологический подход постсоветских стран к становлению и развитию туризма, что базируется на туристско-рекреационную деятельность. С учетом сложившейся ситуации целесообразно рассматривать вопросы развития экологического туризма на уровне отдельной страны или регионов.

Некоторые исследователи подчеркивают, что в горных регионах с богатыми туристическими ресурсами развитие экологического туризма может сосуществовать с устойчивым развитием горного или же горнолыжного туризма. Здесь следует обратить внимание на географическое расположение и природные инфраструктуры местности. Например, создание и функционирование горнолыжных баз и зон отдыха в особо охраняемых территориях имеют двойную эффективность. С одной стороны, появляется возможность развития экологического туризма за счет построения специальных маршрутов и троп, привлечении значительных финансовых влияний и т.п. Но, вместе с тем, увеличение численности туристского потока, создание им комфортных бытовых условий и другие направления человеческой деятельности могут спровоцировать резкие изменения экосистемы особо охраняемых территорий, что недопустимо с экологических аспектов природопользования. Данная особенность развития туризма в особо охраняемых территориях предопределяет развитие различных видов экологического туризма с учетом местных, самобытных устоев, обычаев – агротуризма, сельского туризма, зоотуризма, ботанического туризма, специального охотничьего туризма и тому подобное.

Вышеуказанные закономерности развития экологического туризма присущи и Республике Таджикистан с огромными природными ресурсами и неповторимой красотой горных пейзажей, богатым составом растительного и животного мира. Необходимо подчеркнуть, что в настоящее время в условиях независимого государства таджиков формируется зачаток развития экологического туризма и ее различных видов. Особенно, организация экологических туров в уникальную природу особо охраняемых территорий с привлечением участия туристов в экологических акциях под тематическими названиями «Бережем природу», «Чистый ручей», «Сохраним арчу» и другие способствуют развитию туризма, а также экологическому воспитанию населения. Выбор подходящего состава обслуживающего персонала туристов из числа местного населения горных поселений и обучение их навыкам гида, повара, природолюбия и природознания будет способствовать повышению экологической просвещенности. Одновременно с этими процессами и появится возможность для развития сельского и аграрного туризма, что в конечном итоге приведет к повышению благосостояния населения и укоренению у них экологических знаний. Например, познание экологических знаний и вовлечение населения в индустрию экологического туризма побудит их к бережному отношению к природе при бесконтрольных заготовок дров и выпаса домашних животных.

Вовлечение туристов в аграрное производство местных дехканско-фермерских хозяйств способствует обеспечению населения дополнительной рабочей силой и доходом, что отразится в заинтересованности аграриев в развитии полеводства и внедрении новых сельскохозяйственных культур, которые ранее не были популярными в этих регионах. Например, возделывание гречихи в предгорной части Таджикистана способствовало бы обогащению рациона питания местного населения диетическим, полезным продуктом и одновременно расширило бы развитие пчеловодства и производство экологически чистого мёда. Эти же особенности способствуют еще большему привлечению туристов, которые хотели бы участвовать в различных процессах, например, в процессе качки мёда. Данное обстоятельство также могло стать толчком к развитию такого вида туризма, как сбор лекарственных растений в местах их произрастания, что позволит улучшению здоровья туристов, развитию фарминдустрии и экономическому благополучию государства.

Считаем необходимым подчеркнуть, что вышеуказанные процессы охватывают территорию большей площади и не соответствуют границам особо охраняемых природных территорий. В связи с этим предлагается расширить границы особо охраняемых природных территорий Таджикистана с сохранением уже функционирующих укладов хозяйствования, даже

промышленных предприятий. Таким образом, территория привлечения и обслуживания туристов существенно расширится, экологическая просвещенность населения значительно возрастет за счет посещения туристов и предполагаемой экономической выгоды населения. При этом, поступающие финансовые средства в местный бюджет могли быть целенаправленно потрачены на охрану и восстановлению естественно- исторических памятников, лесных массивов, водных источников и другие цели.

Другим потенциальным ресурсам развитию экологического туризма в условиях Республики Таджикистан является создание и функционирование небольших охотничьих хозяйств в особо охраняемых природных территориях с организацией охоты на животных, выращенных в этих хозяйствах. Таким образом, можно достичь увеличения притока внутренних и иностранных туристов и одновременно сохранить экологический баланс местной экосистемы. Кроме того, в Таджикистане имеются огромные природные потенциалы для обеспечения устойчивого развития туристической индустрии.

#### **Использованные литературы**

1. Мамадризохонов А.А. и другие. Научно-методические аспекты развития туризма в горных регионах Таджикистана. Природно-экономический потенциал и перспективы развития туризм в Таджикистане. (Материалы республиканской научно-практической конференции). – Худжанд: Нури маърифат, 2021. – с. 85-92.
2. Селиванов И.А. Управление развитием туризма: Эколого-экономический аспект // Автореф.канд.дисс. -М., 2005. – 24 с
3. Собиров М.С. Экономико-географические особенности территориальной организации туристико-рекреационного комплекса Центрального Таджикистана // Автореф.дисс., канд.геогр. Наука. -Душанбе, 2017. -26с.
4. Городов Е.П., Мальцев А.И. Сельский туризм и потенциалы его развития в регионах Российской Федерации. М. Наука. 2014. 337с.
5. Собиров М.С. и другие. Отличительные особенности сельское и агротуризма в современный период экономического развития Республики Таджикистан. (Материалы республиканской научно-практической конференции). – Худжанд: Нури маърифат, 2021. – с.66-71.



## ПРОФЕССОР ҲАМИДУЛЛА ҲАСАНОВНИНГ МУҲАММАД ҲАКИМХОННИНГ “МУНТАХАБ АТ-ТАВОРИХ” АСАРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИ

**Абдукаримов Жамолиддин Аҳмадалиевич**

т.ф.н., доцент

Академик Бобожон Ғафуров номли Хужанд давлат университети

e-mail: abdukarimov\_1979@mail.ru

**Аннотация:** Мақолада сўз XIX асрнинг 40-чи йилларида Муҳаммад Ҳақимхон томонидан ёзилган нодир тарихий, географик асар “Мунтахаб ат-тавориҳ”-ни ўрганишда машҳур географ олим профессор Ҳ. Ҳасанов хизмати ҳақида боради. Муҳаммад Ҳақимхоннинг саёҳати эсталикларининг илмий аҳамияти асар маълумотлари ва профессор Ҳ. Ҳасанов илмий тадқиқотлари асосида ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Муҳаммад Ҳақимхон, Мунтахаб ат-тавориҳ, Ҳ. Ҳасанов, Марказий Осиё, Россия, Миср.

## RESEARCH OF PROFESSOR HAMIDULLA HASANOV ON THE WORK OF MUHAMMAD HAKIMKHAN "MUNTAHAB AT-TAVORIX"

**Abdukarimov J.**

**Annotation:** In the study of the rare historical and geographical work "Muntahab at-tavorix" written by Muhammad Hakimkhan in the 40s of the XIX century, the famous geographer Professor H. Hasanov goes on about his service. The scientific significance of Muhammad Hakimkhan's travel memoirs is based on the work data and Professor H. It is based on Hasanov's research.

**Keywords:** Muhammad Hakimkhan, Muntahab at-tavorix, H. Hasanov, Central Asia, Russia, Egypt.

Муҳаммад Ҳақимхоннинг “Мунтахаб ат-тавориҳ” номли асари Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги тарихига оид нодир манба ҳисобланади. Мазкур асар беш боб, ўн икки тоифадан (фаслдан) иборат бўлиб, унинг хронологик ҳудуди “олимнинг яратилишидан” то XIX асрнинг 40 – йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади.

“Мунтахаб ат-тавориҳ” ўзига хос уч хил йўналишни мужассамлаштирган: жаҳон тарихи, локал (маҳаллий) тарих ва мемуар (эсдаликлар). Қўқон тарихчиларининг асарлари форсий-туркий исломий тарихнависилиги услуби асосида шаклланган бўлиб, уларда ушбу услуб - умумжаҳон ва локал тарихга бағишлаб ёзилган асарлар учрайди. “Мунтахаб ат-тавориҳ” асари умумжаҳон тарихига бағишлангани боис, муаллиф тарихни олам ва одам яратилишидан



бошлаб, XIX асрнинг ўрталаригача баён қилган. Мазкур асарнинг асосий қисми Бухоро манғитлар тарихи, Қўқонда ҳукмронлик қилган минглар сулоласи, ҳамда, муаллифнинг чет элларга саёҳати баёни бўйича тақсимланиб, бу маълумотларнинг барчаси Муҳаммад Ҳакимхоннинг ўз қаламига мансуб қимматли манба ҳисобланади.

«Мунтахаб ут-таворих» - да нодир тарихий, адабий, жуғрофик маълумотлар жамланган бўлиб, асар шу маънода энциклопедик характерга эга. Шунинг учун ҳам, мазкур нодир асар бир қатор соҳа мутахассислари этиборини жалб қилиб келмоқда. Муҳаммад Ҳакимхон асарида келтирган маълумотлар тарихшунослар, адабиётшунослар, географлар томонидан мазкур соҳага оид асарлар яратишда кенг фойдаланилган.

“Мунтахаб ут- таворих” нодир географик асар ҳам ҳисобланиб, машҳур ўзбек олими, “Ўзбек Магеллани” деб эътироф этилган кўп қиррали энциклопедик олим, профессор Ҳамидулло Ҳасанов илмий ижодиётида муҳим ўринни эгаллайди. Таъкидлаб ўтилганидек профессор Ҳ. Ҳасановнинг география йўналишидаги илмий фаолияти серқирра бўлиб, Ўрта Осиё топонимияси, география тарихи, транскрипция, терминология, дунё табиий географияси, география ўқитиш методикаси, илмий асарлар таржимасига бағишланган. Профессор Ҳамидулла Ҳасанов ўзининг илмий фаолиятини бевосита амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб борган. Жумладан, олим нафакат кулёзма манбалар, балки узининг бутун дунё бўйлаб қилган саёҳатлари чоғида олинган маълумотлар асосида турли ажойиб илмий-оммабоп асарлар яратган [1, 238-246].

Ўрта асрларда яшаб ижод этган олимларимизнинг илмий географик меросини ўрганиш профессор Ҳ. Ҳасанов илмий-ижодий фаолиятининг энг устувор йўналишларидан биридир. Мазкур йўналишга доир олимнинг ўнлаб илмий асар ва мақолалари жумладан, “Фарғоналик сайёҳ” [8], “Ўртаосиёлик географ ва сайёҳлар”[9], “Сайёҳ олимлар” [10] номли асар нашр этирилиб, унда Ўрта Осиёлик 35 дан ортиқ йирик сайёҳ, географ-олимлардан Муҳаммад Хоразмий, Абул Аббос Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдулла Хоразмий, Махмуд Қошғарий, Носир Ҳисрав, Абдураззоқ Самарқандий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи ва Али Акбар, Исмоил Бухорий, Хожи Юсуф Ҳайъатийларнинг географик ишларини ўрганиб, юзага чиқарди ҳамда уларни халққа танитди.

Профессор Ҳ. Ҳасанов Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ут- таворих” асарини илмий тадқиқ этиб, Ўрта Осиё маънавий маданиятининг, Фарғона ёзма анъанасининг дурдоналаридан бири сифатида эътироф этади.

Таъкидлаш жоизки, “Мунтахаб ат-таворих” асари муаллифи Муҳаммад Ҳакимхон Қўқондаги таниқли сайдлар оиласида тавллад топган она томонидан Қўқон ҳокими Норбўтабийга (1770- 1798) неvara ва унинг вориси Олимхонга (1798- 1810) жиян эди. У ёшлигида Қўқоннинг бўлғуси ҳокими Муҳаммад

Алихон (1822- 1842) билан бирга ўси ва тарбияланди. Унинг бобоси Ҳакимхонтўра ўз даврининг нуфузли ва билимдон кишиларидан бўлган. Ҳакимхоннинг отаси Маъсумхон Олимхоннинг синглисига уйланган эди. Лекин, Муҳаммад Алихон тахтга ўтиргач, бу оиланинг тинчлиги бузилди. Мадалихон ҳукмронлиги даврида қирғин ва қатоғонлар бошланиб кетди. Биринчилар қаторида Ҳакимхоннинг отаси Маъсумхон Қўқондан чиқариб юборилди. Тахтга ўтирганига 8 кун бўлгач Мадалихон Муҳаммад Ҳакимхонни ҳам ҳаж сафари баҳонасида Қўқондан чиқариб юборди. Шундан кейин унинг чет эллардаги сайёҳати ва саргардонлиги бошланди.

Муҳаммад Алихон даврида Ҳакимхонтўра аввал Тўрақўрғон, сўнгра Намангон ва Косонга ҳоким қилиб тайинланган эди, аммо кейинчалик хоннинг ғазабига дучор бўлиб хонликдан ҳайдалиб Маккага ҳажга жўнатилган. У ўзининг сафарини Россия ўлкасидан бошлади [6, 12].

1824 йилда Ҳакимхонтўра Оренбургда рус императори Александр 1 билан учрашган эди. Бу учрашув ҳақида муаллиф асарда батафсил маълумот берган. Муаллиф Россиядан кейин Туркия, Миср, Сурия, Фаластин, орқали Макка ва Мадинага борган [5, 8].

Профессор Ҳ.Ҳасанов “Мунтахаб ат-таворих” асари муаллифи саёҳати тафсилотларини қуйдагича келтиради: “Муҳаммад Ҳакимхон саёҳати жараёнида гоҳ араб ихроми, гоҳ турк бўркини, гоҳ эрони либосини, гоҳ миллий чопонини кийиб юрган, бир неча марта жуда хатарли ҳолларни бошидан кечирган, қамоққа тушган, турмадан қон билан хат ёзган, қочган: пинҳон равишда подшо саройига ҳам кирган, маликалар, амалдорлар билан сўхбатда бўлган, бетоб бўлиб, беҳуш ётган, неча бор ўғрилар қўлига тушган, “қазога тан бериб” юрган, чўлда сув ичиб қаноатланган, ибтидоий одамлар ҳолини сурган” [9, 12].

Бундан ташқари олимнинг таъкидлашича Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ут- таворих” асари олимлар томонидан кенг ўрганилиб, унинг илмий аҳамиятига юксак баҳо берилмоқда. География илми нуқтаи назаридан эса, бу китоб Ўрта Осиё географик адабиётининг саргузашт-саёҳат жанрига мувофиқ келадиган асарига яққол мисол бўла олади. Шу билан бирга, асарда тилга олинган жуда кўп жой номлари - автор ўзи қадам босган шаҳар ва кичикроқ аҳоли манзиллари, денгиз, дарё, тоғ, чўл ва даштлар ҳамда автор бошқалардан эшитган топонимик, этник маълумотлар - Булғор, Қозон, Мақрия, Петербург, Фарингистон, Искандария, Судон, “Ўрусия вилояти”, “Қазоқия” - каби тушунчалар Ҳакимхоннинг кузатувчан, доно ва зукко инсон ва олим бўлганлигини исботлайди [8, 39].

Муҳаммад Ҳакимхон асарининг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, дея таъкидлайди профессор Ҳ.Ҳасанов: “асарда муаллиф, ўз даврининг ичтимоий-сиёсий ва ҷуғрофик ўзгаришларини кузатиб боради ва у ҳақда маълумот беради.

Масалан, Муҳаммад Ҳакимхон 1823 йили бутун Фарғонада юз берган фожиали зилзила офатини ўзи кўрган. Унинг таърифлашича, зилзила шу қадар дахшатли бўлганки, ҳеч замон бу сингари ер қимирлашни одамлар кўрмаганлар ва эшитмаганлар. Зилзила натижасида, кўпгина уйлар вайрон этилган, талай кишиларни том ва девор босиб қолган. Натижада, аҳоли қамишдан чайлалар қилиб туришга мажбур бўлган. Зилзила шу даражада кучли бўлганки, натижада, атрофдаги тоғларда кўп оилаларни ер ютган. Ер ёрилиб, унинг орасидан гувулаб қора буғ отилиб чиққан, сойларнинг суви биқирлаб қайнаган. Бу ҳолат олти ой мобайнида давом этган” [9, 219].

Бундан ташқари Муҳаммад Ҳакимхон сафари жараёнида Қора денгиз маҳобатини шундай тасвирлайди: “қоп- қоронғу бир тунда қаттиқ шамол туриб, денгизда Нўҳ алаҳиссалом тўфони ва Самуд шамолини эслатувчи талотум кўзғалди. Доно маллоҳлар шамол кирмайдиган машъал ёқилган хужрага кирганча хариталарини олдиларига ёйиб қўйиб, роса тикилишарди. Харита деганим бир тахта қоғоз бўлиб, унга Шўр денгизининг барча тасвири чизилган эди. Масалан, денгизда нечта орол бор, кемага хавф туғдирувчи нечта тоғ бор ва ҳоказо. Катта бир компасни олдиларига қўйишган ва шунга қараб, қарор қабул қилишар эди” [3, 558].

Профессор Ҳ.Ҳасанов “Мунтахаб ат- таворих” асарида муаллиф сафар қилган мамлакатлар табиати, ҳайвонот олами ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар олиш мумкин бўлган қизиқарли маълумотларга алоҳида эътибор қаратади. Масалан, Муҳаммад Ҳакимхон Нил дарёси соҳилларида сафари чоғида бир куни зарофани кўриб қолади ва шундай тасвирлайди: “Ҳабаш вилоятидин бир азим зарофа деган бир ҳайвон келтирурларки ани борасида уштар, гов, фаланг (форсий тилда “Шутурговпаланг” деб аташади- учта ҳайвон номидан ташкил топиб, бўйни узунлиги учун “шутур”- туя, шохи борлиги учун “гов”- сигир, йўл- йўл чизиклари учун “паланг”- йўлбарс номларини олган) дерлар. Ҳайвонот ичинда ажойиб маҳлуқдирки, сурати бағоят беназирдир. Икки оёғи узун ва икки оёғи қисқа ва бўйни узун. Ани баёз гардани ўзга ҳайвонотда йўқдир ва кўзлари оҳу кўзига ўхшар ва думи ҳўкиз думига ўхшар ва икки шох ўрнига тождурки, гўё қаро ипакдин ери рангдек қизил ва бир каф ери оқ. Ва ул ҳайвоннинг хўраги сут эркан” [9, 218].

Муҳаммад Ҳакимхоннинг саёҳати ғурбату дарбадарликда ўтган бўлишига қарамай унинг жаҳон ҳақидаги билимларининг ошишида, дунёқараши шаклланишида ва бир қатор рус, турк, араб, юнон тилларини ўрганишида катта аҳамиятга эга. Шу маънода, муаллифнинг маълумотлари нафақат Ўрта Осиё, балки жаҳон таърихи, географиясини ўрганишда муҳим нодир манба ҳисобланади.

Профессор Ҳ. Ҳасанов ўз ўлкасининг, халқининг тарихини, унинг буюк меросини ўрганишда, география фанини ўз билимлари билан бойитишда, ўз ватандошлари бўлган олимлар, сайёҳларнинг илмий ишларида акс этган география фанига оид маълумотларни кенг тарғиб этишда ҳамда талабаларга ўзининг ватанпарварлиги, ўз касбидан фахрланиш руҳини сингдиришдаги хизматлари жуда бекиёсдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Гадоев К., Бердиева С. Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар.- Тошкент, 2012.
2. Мунтахаб- ут-таворих. Цилди дуввум. Таълифи Муҳаммад Ҳакимхон. Бо тасхеҳи Ё. Кавахара ва К. Хонеда.- Токио, 2006.
3. Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат- таворих.- Форс- тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.
4. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (феодалное хозяйство Худаярхана).- Ташкент, 1973.
5. Ромодин В. А. Некоторые источники по истории Ферганы и Кокандского ханства (XVI-XIX вв.). В рукописных собраниях Ленинграда.- М., 1960.
6. Хотираҳои Муҳаммад Ҳакимхон дар бораи сафари Русия (Баргардонанда аз ҳуруфи арабиасоси тоҷикӣ ба кириллӣ, ба чоп ҳозирқунандаи матн, муаллифи муқаддима, тавзеҳот, луғатнома, феҳрист ва замима Чамолитдин Абдукаримов). - Хучанд, 2013.
7. Хуршуд Э. Ҳакимхоннинг ҳаёти ва саёҳатлари.- Тошкент, 1987.
8. Ҳамидулла Ҳасанов. Фарғоналик сайёҳ/ Фан ва турмуш.-1963.- № 8.- С. 38- 39
9. Ҳамидулла Ҳасанов. Ўрта Осиёлик географива сайёҳлар.- Тошкент, 1964.
10. Ҳамидулла Ҳасанов. Сайёҳ олимлар.- Тошкент, 1979.